

Palace Gardens Architecture of Bukhara Emirate. Sitorai-Moxi-Khosa

Abdurakhimov Rustam Batyrjonovich

Associate Professor (PhD) of the Department of "Architecture and Urban Planning" of Tashkent International University of Chemistry. Tashkent.

e-mail: rustam3930@mail.ru

Phone: (99) 860-42-45

Abstract: The article talks about the Sitorai Mokhi Khosa palace-garden of Bukhara, built at the end of the 19th century and the beginning of the 20th century. It also discussed the architectural compositional solution of the palace, traditional artistic decorations, modern and national architectural styles and elements. The creative works of the architects and masters who participated in its construction are also discussed.

Key words: Sitorai Mokhi Khosa, palace garden, chorbog, "Honai-safed", muqarnas, Moorish style, peacock, khovuz, koshk, architectural monument. Бухоро

Амирлиги Сарой-Боғлари Меъморлиги. Ситора́ и-Мохи́ -Хоса́

Абдурахимов Рустам Батиржонович

Тошкент Кимё Халқаро Университети "Архитектура ва шаҳарсозлик" кафедраси (PhD) доценти. Тошкент.

e-mail: rustam3930@mail.ru

Тел.: (99) 860-42-45

Аннотация: Мақолада Бухоронинг XIX-аср охири, XX-аср бошларида қурилган Ситораи Мохи Хоса сарой-боғи ҳақида сўз боради. Унда саройнинг меъморий-композицион ечими, анъанавий бадий безаклари, замонавий ва миллий меъморлик услублари ва унсурларининг қандай қўлланилганлиги ҳам муҳокама қилинган. Шунингдек унинг қурилишида иштирок этган меъмор ва усталарнинг ижодий ишлари ҳақида ҳам фикр юритилган.

Калит сўзлар: Ситораи Мохи Хоса, сарой боғ, чорбоғ, "Хонаи-сафед", муқарнас, мавритан услуби, товус, ховуз, кўшк, меъморий обида.

Қадимдан Бухоро дунё архитектураси сахнасида ўзининг бебаҳо ўрнига эга бўлган. Бухоро аркию, масжид, мадраса, хоноқо, миноралар, карвонсаройлар мураккаб композицион ечимлари билан халигача соҳа олимлари томонидан ўрганилиб, янгидан-янги жиҳатларини очилишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек Бухоро архитектураси сўнгги амирликлар даврида ўзига хос тарзда шаклланган. Аждодлар анъаналарига содиқ қолиб, янги замонавий услублар уйғун ҳолда ўзига хос меъморий йўналишларни юзага келтирган. Бу даврда кўпгина Мавритан, Европа, Рус архитектурасининг таъсири меъморий обидаларда сезилиб туради. Сарой-боғлар меморлиги эса бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу мақола муаллиф томонидан ишланган шу ҳақидаги мақоланинг тўлдирилган шакли ҳисобланади. Бухоро хонлиги сарой боғлари шаҳардан ташқарида, кенг ҳудудда, алоҳида боғ-ансамбл тарзида шаклланганлиги билан

бошқа хонликлар сарой боғларидан кескин фарқ қилган. Ситораи Мохи Хоса саройи ҳам бизгача етиб келган саройлардан бири ҳисобланади. Уларнинг таркибига кирган қабулхона, яшаш хоналари, масжид, ёзги сарой, ошхона, ҳарам ва бошқа иморатлар кенг боғ бағрида такрор ҳолда жойлашган. Унда Ўрта Осиёга хос чорбоғ услуби, рус мавритания, готик ва маҳаллий бадий унсурларни кузатиш мумкин. [1, 27-6]

Амирликнинг ёзги қароргоҳи, саройи бўлмиш Ситораи Мохи Хоса Бухоро шаҳрининг шимолий томонида барпо этилган. Бу сарой манғитлар сулоласининг саройи ҳисобланади. Ундаги дастлабки иморатлар Амир Насрулло ҳукмронлиги даврида, кейинчалик хушманзара боғ ва сарой барпо этиш Музаффархон ва Абдулахадхон даврида бошланган. Амир Олимхон даврида эса янги сарой тикланган ва шу даврдан бошлаб сарой асосан икки қисмга-эски сарой ва янги саройга ажратилган. [2, 217-6]




Юқоридаги расмлар чапдагиси янги саройдаги, ҳовуз ёнидаги бинонинг ҳозирги ҳолати бўлиб, ўнг томондагиси тарихий фотосурат. Унда шу бинонинг ҳозирда йўқ бўлиб кетган қисмини кўриш мумкин. Бу қисмида кўпгина манбааларга қараганда гулхона, иссиқхона мавжуд бўлганлиги маълум бўлади.



Навбатдаги юқорида келтирилган расм ҳам тархйй фотосурат бўлиб, янги сарой ҳарам биносининг ҳозирда йўқ бўлиб кетган қисми тасвирланган.

Икки саройни асосий йўл ажратиб туради. Эски сарой Амир Олимхоннинг отаси Абдул Аҳадхон даврида қурилган. Тарихий мабалардан маълум бўлишича маҳаллий усталардан бири Хожи Хофиз томонидан қурилган. У сарой қурилишидан олдин Петербург ва Ялтага бориб тажриба орттириб келган. Сарой ўзида мураккаб бўлган турли хилдаги европа ва анъанавий меъморчилик қурилмаларини ўзида мужассамлаган. Эски сарой уч ҳовлидан ва кўпгина хоналардан иборат ансамблдир. Улар саройни квадрат шаклда ўраб туради. Бу ерда энг эски хона Музаффархон меҳмонхонаси кенг ва баланд зал, икки томонидаги болохонали айвонлар, европача эшик ва деразалар билан ажралиб турса, ундан фарқли ўлароқ уч қисмга бўлинган квадрат хонани ташкил этувчи Абдулаҳадхон зали бошқачароқ ишланган. Бир-бирига рўпара жойлаштирилган ва бир хилда безатилган иккита зал ўртасида баланд супа орқали бирлаштирилган ва иккала заллар безакларида ўхшашликлар бор. [2, 218-б]


Қуйида келтирилган тархий ишланмада АбдулАҳадхон саройининг таркибий қисми кўрсатилган. Унга кўра ҳар бир сарой қисми бир-бирига боғлиқ бўлсада лекин алоҳида тархий ечимга эгадир. Турар-жой бинолари типологияси каби ички, ташқи ҳовлилар мавжудлиги, зарурати бор хоналарнинг вазифасига қараб қулай жойлашганлиги ҳам ушбу чизмада кўрсатилган.



ЭСКИ САРОЙ (Абдул Аҳадхон саройи) ХОНАЛАРИ ҚАЙДНОМАСИ

1. ДАРВОЗА – КИРИШ
2. САҚЛОВ.-. ХОНА - ҚОРАВУЛХОНА.
3. АЙВОНЛАР.
4. КРЫЛЬЦО.
5. ДАХЛИЗ
6. БАЗМХОНА-АМИРНИНГ ЯҚИНЛАРИ УЧУН БАЗМЛАР ЗАЛИ
8. БАЗМ-ХОНА – АМИРНИНГ ЎЗИ УЧУН БАЗМЛАР ЗАЛИ
9. ЮҚОРИГА ОЛИБ ЧИҚУВЧИ ЗИНА.
10. ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН ХОНА .
11. САЛОМ - ХОНА - - ҚАБУЛХОНА.

12. ДАҲЛИЗ-ХОНА - КУТИШ ХОНАСИ (ОЛД ТАРАФ).
13. КАШГАРЧА АЙВОН – ЁПИҚ ХОВЛИ.
14. ХИЗМАТГОР.- ХОНА – ХИЗМАТКОРЛАР ХОНАСИ.
15. ҲИЗМАТГОР-ХОНА - ХИЗМАТКОРЛАР ХОНАСИ.
16. РАХ-РАУ (КОРРИДОР) – ЙЎЛАК
17. САИЛ-ХОНА – ОММАВИЙ КЎНГИЛОЧАР ХОНА.
18. ХАРАМ.
19. ИСТРАХАТ – ХОНА-ДАМ ОЛИШ ХОНАСИ
20. ШАРБАТ - ХОНА – ИЧИМЛИКЛАР САҚЛАШ ХОНАСИ
21. ЮҚОРИГА ОЛИБ ЧИҚУВЧИ ЗИНА.
22. ОБ - ХОНА – СУВ САҚЛАШ ХОНАСИ
28. АРАВАКАШ - ХОНА – ОТБОҚАРЛАР ХОНАСИ
29. ОТ- ХОНА – ОТЛАР ТУРАДИГАН ЖОЙ



ЯНГИ САРОЙ (Олимхон саройи Л.И. Манковская шахсий архиви асосида) ХОНАЛАР ҚАЙДНОМАСИ

А – ЭСКИ САРОЙ
 Г - ХОВУЗЛАР (СУВ ХАВЗАЛАРИ)
 В – ОЛД КИРИШ (ДАРВОЗАХОНА)
 Д - ГУЛЗОР

Е – ЯНГИ САРОЙ: 1- ЧОЙХОНА, 2-ОЛД ДАХЛИЗ, 3 - МЕХМОНХОНА, 4- САЛОМХОНА – АМИРНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ, 5- РАХ - РАУ – КОРИДОР (ЙЎЛАК), 7- ХАММОМ, 8- ХОНАИ - САФИД - ОҚ ЗАЛ, 9 - ХОНАИ - ХОБ - ЁТОҚХОНА, 10 - АЙВОН - ВЕРАНДА, 11- СОҚЧИЛАР ХОНАСИ, 12 – ЎТИШ ЙЎЛИ, 13- ФАВВОРА, 14 - РУИ – ХАУЛИ - ДАРУН – ИЧКИ ҲОВЛИ

Ж - ХАЗИНА – АМИРНИНГ ШАХСИЙ НАРСАЛАРИ

САҚЛАНАДИГАН ЖОЙ:

1- ШАРБАТ ХОНА - ИЧИМЛИКЛАР САҚЛАНАДИГАН ХОНА, 2 - ХАЗИНА -ҚИММАТБАХО БУЮМЛАР САҚЛАНАДИГАН ХОНА, 3 – ХОЖАТХОНА, 4- ОМБОРЛАР.

И – АЙВОНЧА (ДАХОНА) ТАМОШАБИНЛАР УЧУН ЖОЙ, ТАШҚИ ҲОВЛИ (ХАУЛИ - БИРУН)

К - ХОВЛИЧА – ХАРАМ ХИЗМАТЧИЛАРИ ХОНАСИ

Л - ХАРАМ

М - ХОНАИ – ХАШТ (САККИЗЛИК ХОНА) – БОҒДАГИ ПАВИЛИОН:

1- ХОНАИ - КАЛОН – КАТТА ЗАЛ, 2 - ХОНАИ – ОВҚАТ- ХУРИ- ОВҚАТЛАНИШ ХОНАСИ, 3 - ДАХЛИЗ , 4 - ХОНАИ-ХОБ -

ЁТОҚХОНАЛАР, 5- ХАММОМЛАР, 6- ХУЖРАЛАР, 7- ОШХОНА, 8 -

ШАШХОНА – 2ТА ОЛТИҚИРРАЛИ ХИЗМАТКОРЛАР ХОНАСИ

Н- ИККИ ҚАВАТЛИ ПАВИЛЬОН : 1 - ХОНАИ - ХОБ - ЁТОҚХОНАЛАР,

2 - ХАН ХОНА - (МЕХМОНХОНА), 3 - ОШХОНА, 4 – РАВОҚЛИ

ГАЛЛЕРЕЯЛАР (АЙВОНЛАР), 5 - ГУЛХОНА - ИССИҚХОНА, 6-

МАСЖИД

О - ШИЙПОН

П- КУП - КОРИ – УЛОҚ ЎЙИНИ БЎЛАДИГАН ЖОЙГА ОЛИБ

БОРУВЧИ ТЕРАССАЛИ ДАРВОЗА

Р - ХАЙВОН ХОНА – ЗОО БОҒ: 1-ЖОНИВОРХОНА-ХАЙВОНЛАР

САҚЛАНАДИГАН ҚАФАСЛАР

Юқоридаги янги саройнинг таркибий қисмлари кўрсатилган чизма ишланмасида ҳам, эски сарой каби типологик хусусиятлар солиштириб кўрсатилган. Унда Л.И.Манковская бўйича таркибий қисмлар харфлар бўйича ёритиб берилган.

Ҳозирда саройнинг кўп қисмлари бузулиб кетган ва уларнинг айнан вазифаси жиҳатдан қайси хоналар бўлгани тахмин қилинади ҳалос. Эски сарой қадимги Бухоронинг ўзига хос хусусиятларни ўзида мужассам бўлган бўлсада лекин, ташқи кўринишида европа услубидаги меъморий унсурлар кенг тарзда қўлланилганини кўриш мумкин. Баъзи хоналарда эса умуман маҳаллий қурилиш услублари, безаклари қўлланилмаган. Сарой атрофида кенг боғ шаклланиган. Боғнинг шаклланиши чорбоғ услубида бўлиб, боғ ўртасида ховуз ҳам қурилган. Европа услуби, унсурларини уйғунлаштиришни асосан Ситораи Мохи-хосанинги янги сарой мажмуасида яққол кўришимиз мумкин. [3, 147-б]

Янги сарой қурилиши Амир Олимхон даврида қурила бошланган бўлиб, уни қуришдан олдин ҳам Бухоронинг энг яхши уста, меъморларини Россияга, янги меъморий тажрибаларни ўрганиб келиш учун юборилганлиги жуда кўп манбаларда таъкидланади. Хўжа Хофиз бошчилигида ва рус инженерларининг

назоратидаги қурилиш ишлари ҳовлининг жануб тамонида биринчи бинонинг барпо этилиши билан бошланди. Бош бинони барпо этишда Европа, Исфакхон саройлари ва Бухоронинг бой турар жойларининг меъморий ечимларидан кенг фойдаланилган. Бино чиройли бадий ечимга эга бўлиб ҳар хил услубларни синтез қилишда усталар қийинчиликларга дуч келишган. Ҳовлининг иккинчи томонида бу бино билан ёнма-ён катта бадий аҳамиятга эга бўлган “Хонаи сафед” яъни, оқ зал жойлашган. Бу залда бухоролик моҳир ганчкор Уста Ширин Муродов ўзининг бор маҳоратини кўрсатган. Л.И.Ремпель бу зал Ширин Муродовнинг “Шох асари” деб тарифлаган. [4, 117-б]

Уста залнинг ғояси устида уста 2-3 ойлаб бош қотирган. Ванихоят кутилмаганда унга янги фикр келиб қолади яъни, кўзгуни фон сифатида устига нозик ганч ишлаш фикри эди. Бу усул, нозик ва рельефли ғояни амалга оширишда кутилган самарани берар эди. Залда ҳеч қандай бачкана ялтироқ олтин ва қумуш безакларни ишлатилмаган. Уста ҳар бир ганч безаклари ишланишини ўзи назорат қилиб, эскиз чизмалари, энг мураккаб услубларни ўз қўллари билан ишлаган. Бу ишдаги ганчкорликнинг кўпгина, янги технологиялари ҳали бирор ерда қўлланилмаган эди. Шу билан бирга “Оқ зал” да усталар ганчкорлик санъатининг энг яхши, анъанавий услубларини эҳтиёткорлик билан сақлаб қолишган ягона хона эди. И.И.Ноткин “Уста Ширин Оқ зални Бухоро ганч санъати усталарининг ғазнасига айлантди.” деб таърифлайди. [5, 9-10-б]

Оқ залдан кейинги хоналардан бири романа- готик услубдаги безаклар билан ишланган. Шу каби ҳовлининг учинчи – шимол томонида европача услубда ишланган пешайвонли бино қурилган. [2, 221-б]

Янги саройнинг яна ўзига ҳос жиҳатларидан бу Ўрта Осиёдаги энг катта, атрофлари кулранг мармарлар билан қопланган ҳовузи борлиги. Ҳовуз ёнида эса амирнинг икки қаватли кўшкни бўлган. Моҳи Хоса бошқа сарой боғлардан фарқли ўлароқ, чорбоғ услубига яқин туради, чорбоғ таркиби каби унда ҳам ҳайвонот дунёси, ландшафти, катта ҳовуз ва атрофидаги кўшклар бунинг яққол далилидир. [1, 29-б]

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Бухоро амирларининг ўзига ҳос сарой боғлар меъморлигининг шаклланишига қўшган хиссалари беқиёсдир. Ситораи Моҳи Хоса ҳам сарой боғларнинг бизгача етиб келган гўзал намунасидир. Мутахасис олимларнинг сай ҳаракати билан саройга оид ҳамма маълумотлар тўпланиб, эски қисмини ҳам график қайта тиклаш лойиҳаларини бажариб, келажак авлод учун маданий меросимизни янада бойитишга ўз хиссаларини қўшмоқликлари керак.

Фойдаланилган манбалар

1. Уралов А.С., Садыкова.С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий боғ-парк санъати. Тошкент.:2012.
2. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX - нач. XX вв.) Тошкент.:1988.
3. Ремпель Л.И. Далёкое близкое. Бухарские записки. Тошкент.:1982
4. Ноткин И.И. Бухарская резьба по ганчу в работах Усто Ширина Муродова. Тошкент1961.

5. Пуганченкова Г.А., Ремпель Л.И.. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. Ташкент, 1958.
6. Маълумотларнинг кўп қисми муаллифнинг диссертациясидаги фото ва иллюстрация ишланмалари, архив маълумотларидан олинган.